

# ЎЗБЕК ИСТИҚЛОҚ МУБОРАК, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ватан севмак иймондандур!



# ЎЗБЕКИСТОН

# ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокию» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Соғуде — 7 сф.  
1993 йил 1 январь, жума № 1-2 (21.356)

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



риб турибмиз. Ишонманки, Ўзбекистон ўз йўлини танлаб олди ва бу йўлдан сира қайтмайди.

Шу мазмунда яшаётган ҳар бир инсон миллати, дини ва этниқидан қатъи назар — ватанимиз фарзандидир.

Бизнинг куч-қудратимиз — яқдил эканлигимизда. Узро дўстлик ва тотувлик барқарор бўлар экан, юртимизнинг ёруғ кунлари ва фаровонлиги шундай тез келажак.

Ҳаёт шундайки, инсон вақтга, замонга ҳоким эмас. Вақт ўтар, лекин одамзоднинг эзгу ишлари боқийдир. Инсоннинг инсонга меҳри, оқибати, яхшилиги йўқолмасдир. Биз ана шу пок туйғуларни авайлаб асрашимиз, асло йўқотмаслигимиз керак. Меҳр ва қадр бор ерда ҳамма нарса бор, қадр кетса, ҳамма нарса кўлдан кетади.

Тарих сиз билан бизга қийин ва ғоят шарафли бир вазифани юклаган. Ватанимиз Ўзбекистонни мустақил, озод, демократик, сўнгги қадимдан афсуснинг, унинг нури келажагини белгилаш, жаҳонга танитиш — бир сўз билан айтганда, Ватанини Ватан қилиш туйғуси, масъуляти, тақдир тақозоси билан Ўзбек халқининг ҳозирги авлоди зиммасига тушди.

Бу улуг мақсадда Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун заҳмат чеккан, курашган, фидо бўлганларнинг орзу-армонлари бор. Уларнинг руҳлари олдидан ҳам бизлар масъулмиз.

Бизнинг бугунги ишларимизда ҳали дунёга келмаган авлодларнинг ҳам истак ва умидлари бор. Биз бугун тиклаётган ҳар бир иншоот, бино, биз экни парваршиш қилаётган ҳар бир ниҳол келажак авлодларнинг мулки бўлади. Қадрли дўстлар!

Бизларни ҳеч қачон яхши ният, келажакка ишонч тарк этмасин. Янги йилнинг муборак бўлсин, азизлар!

Яратганимиз келгуси йилда ҳар бир инсоннинг, ҳар бир оиланинг, халқимизнинг бахтини берсин.

Ҳаммангизга омад ёр бўлсин.

## МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Қадрли Ислам Абдуғаниевич!

Наманган вилояти меҳнаткашлари сизнинг мардона ва жасурана ҳаракатингиз билан, жонжон Ўзбекистонимизда эл-юрт манфаати йўлида олиб бориладиган эзгу ишларни қўллаб-қувватлайдилар ва маъқуллайдилар. Сизнинг раҳбарлигингизда Ватанимиз мустақилликка эришди, дунё Ўзбекистонни тан олмоқда, Мустақил давлатимизнинг илк Конституциясига, тамғасига, ўз байроғига эга бўлди. Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги ўтказилиши Ўзбекининг топталган қадр-қимматини, гурурини ўрнига қўйди, она тилимиз, урф-одатимиз, маросимларимиз қаддини тиклади, юртимизда дўстлик, бир-

дарлик, ҳамжиҳатлик қарор топди.

Барча Ватандошларимиз каби наманганликлар ҳам сиздай Президентимиз борлигидан хечқис фахрландилар. Чунки сизнинг Наманган вилоятига, унинг меҳнаткаш халқига кўрсатган ҳимматингиз, доимо этиборингиз, вазиятни барқарорлаштиришдаги гамхўрлигингиз, давлат арбоби сифатидаги ёрдамингиз биз учун бениҳоят муътабар ва қадрлидир.

1992 йилни халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида яхши кўрсаткичлар билан яқунлаётган Наманган вилояти меҳнат аҳли Сизнинг афродингизда яна ҳам мустақамроқ жинслашиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида бор

куч ва имкониятларини ишга соладилар. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида белгилаган вазифаларни бекамму кўст амалга оширадилар, юртимиз истиқолини кўз қорачиларидий асраб-авайлайдилар.

Сизни, азиз ва муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, яқинлашиб келаётган Янги — 1993 йил билан наманганлик меҳнаткашлар номидан самимий ва қизгин муборакбод этамиз. Сизга мустақам соғлиқ, узоқ умр ва омад тилаймиз. Халқимиз, мустақил Ўзбекистонимиз бахтига ҳамма омон бўлинг, ёмон кўзлардан худонинг ўзи асрасин.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг ўн иккинчи сессияси қатнашчилари.

Қадрли Ислам Абдуғаниевич!

Мустақиллик байрами илк бор нишонланган, истиқлол йўлида собит қадам ташлаётган мамлакатимизда буюк ўзгаришлар юз берган йилни яқунлаб, 1993 йилни байрам қилиш арасида халқимиз турмушини яхшилаш, Ватанимизнинг қадри-қимматидаги намуналарни яхшироқ асраш ва республикани иқтисодий ривожлантириш йўлида Сиз донишмандлик билан юритаётган ички ва ташқи сиёсатининг тўғрилиги ва бе-

тиним меҳнатларингизни миннатдорчилик ҳис-туйғуси билан эътироф этиб, Сизга мурожаат этмоқдамиз.

Сизнинг халқ манфаати йўлида қилаётган кўп қиррали фаолиятингизда, аввало тан-сиҳатлик, умрбоқийлик, баракали меҳнат ва яхши рағбат билан ҳисобланган жисмоний тарбия ва спортга аҳамият бераётганингизда ҳам намоян бўлмоқда. Сиз ўзингизнинг кўп қиррали фаолиятингизда ана шу муҳим соҳанинг ҳам ривожла-

нишига давлат аҳамиятига молик вазифалар сирасида қарамқодасиз. Биз бунини мустақил Республикалар орасида Ўзбекистоннинг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни қабул қилинишида қалбдан ҳис этдик.

Сизнинг оталарча гамхўрлигингиз, жисмоний тарбия ва спортга эътиборингиз «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тренер», «Ўзбекистон Республикасида

(Давомий иккинчи бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТЛАРИ ВА ХИЗМАТ КўРСАТГАН АРТИСТЛАРИНИНГ ИШ ҲАҚИ ВА ПЕНСИЯЛАРИГА ҚўШИМЧАЛАР Тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси халқ артистлари ва хизмат кўрсатган артистларини ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти», «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофиси» фахрий унвонлари бўлган шахсларнинг иш ҳақи, мансаб маошларига ва пенсияларига ҳар ойда энг кам миқдордаги иш ҳақининг


60 фоизи миқдорда, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони бўлган шахсларга эса 40 фоизи миқдорда қўшимча белгилансин.

2. Собит, Иттифоқ фармонларига мувофиқ «СССР халқ артисти» фахрий унвони олган шахсларга «Ўзбекистон Республикаси халқ артисти» даражасида қўшимча ҳақ тўлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маъмур мақсадлар учун зарур маблағ ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И. КАРИМОВ**, Тошкент шаҳри, 1992 йил 31 декабрь.

Қолайли тийкар дүзе  
1991 жылдын  
1991 йили



## Эркин ВОҲИДОВ ЯНГИ ЙИЛ МУНОЖОТИ

Вақтининг чопқирлигига ҳайратим тугамасдир. Йилнинг ўтиши гўё чақилган қақмоқ мисол. Йил надир, умр ўзи аслида бир нафасдир, Эшикдан кириб шу он дарчадан чиқмоқ мисол.

Беш минг йил яшар эмиш, тоғ аҳли бир қабила, Сабрни ойин билиб, ҳаноатни гоат деб. Уй тикламас эмишлар биргина сабаб ила, Шу юзгина умрга ранж чекмоқ на ҳожат деб.

Бу-ку бир афсонадир, аслида аҳли олам Одамдек яшаш истар шу беш кунлик дунёда. Жаҳондан умид узмас умри ўтиб борса ҳам, Еши улғайган сари орзулари зиёда.

Болам деб ниҳол экар, наирам деб уй солар, Мендан ҳам бирор ёдгор авлодимга қолсин, дер. Дил тубида умрбод яшар ойдан қаёллар, Ватаним камол топсин, миллатим юксалсин, дер.

Инсондек яшамоқнинг асли шудир маъноси, Юрт севгиси бизларга юракдаги қондандир, Бу муқаддас туйғуда аждоларнинг ийдоси, Ҳадис сўзи — Ватанга муҳаббат имондандир.

Имонимни бутун қил, юртимни нурафшон қил, Пок, ҳалол йўлларингиз бизни йўлла, илоҳим. Ватаним кемасини долгалардин омон қил, Бу поёнсиз уммонда ўзингиз қўлла, илоҳим.

Юракларга меҳр сол, адоватдан қил йироқ, Бугунги заҳматларнинг оқибати қут бўлсин, Эрка ташна элимнинг бахти бўлсин ярқироқ, Осмонни ёруғ бўлсин, насибаси бут бўлсин.

Рисом Б. ЖУМАОБОВ.





# ОСИЁ БОЗОР

№ 8

1993 йил 1 январь

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНING АХБОРОТ-ТИЖОРAT ИЛОВАСИ

## «АСҚАР» ФИРМАСИ

АГАР СИЗ ЕЗУВ МАШИНАСИНИ ИЗЛАЕТ-

АН БУЛСАНГИЗ

- русча — ўзбекча, лотинча алфавитли.
- 16 хил шрифтли.
- тезкор ва диск-хотирали.

— ёзишга тайёрланган банк ҳужжатлари, бланкалар.

БИЗГА (3712) 77-34-27 ТЕЛЕФОНЛАРИ БУ-

ЙИЧА ҚУНГИРОҚ ҚИЛИНГ.

«АСҚАР» ФИРМАСИ шунингдек, арзон КОМПЬЮТЕРЛАРНИ тавсия этади. Уларни ўрнатish, кафолат хизмати кўрсатиш, дастур билан таъминлаш ва ўқитиш ишларини ўз зиммасига олади.

КИЧИК КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, БУХГАЛТЕРЛАР ВА ИШ ЮРИТУВЧИЛАР МАРҲАМАТ, БИЗГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БУХГАЛТЕРЛАР АССОЦИАЦИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙГОҲИ ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

### АУДИТ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг  
1992 йил 9 декабрда XI сессияси қабул қилган  
«Ўзбекистон жумҳурияти Аудиторлик фаолияти

тўғрисидаги Қонуни»га

асосан аудиторлик фаолияти билан  
шуғулланиш ҳуқуқига лицензия олиш  
учун тайёрлов гуруҳларига

### ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилиш олий иқтисодий маълумот  
ва мутахассислиги бўйичаҳамида 3 йиллик амалий иш фаолиятига эга  
бўлганлигига асосан амалга оширилади.

Ноқтисодий мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар учун аудиторлар тайёрлаш гуруҳига ёзилиши билан бирга бухгалтерия ҳисоби ва бошқа иқтисодий билимлар олиш учун тайёрлов гуруҳлари ташкил этилади.

МАШГУЛОТЛАРНИ ЧЕТ МАМЛАКАТЛАР ВА  
ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИНИНГ ЙИРИК  
МУТАХАССИСЛАРИ ОЛИБ БОРАДИЛАР.

Ўқув ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолларда ташкил этилади.

Бизнинг манзилимиз: 700000, Урицкий кўчаси,  
6-уй. Телефон: 34-01-87.

Кулишлари бунча чиройли.

## ҲУРМАТЛИ БУХГАЛТЕРЛАР!

БИЗНИНГ РЕКВИЗИТЛАР:

Ўзавибабанкнинг Тошкент шаҳридаги х/р  
000644113, МФО 172648706, корр. ҳисоби Ўзавиба-  
банкнинг Ойбек МБда 700161406.МАНЗИЛИМИЗ: 700128, Тошкент Қодирий кў-  
часи, 5-а. а/қ 1911 («Ленинград» меҳмонхонаси-  
нинг рўпарасидаги Сув ҳўжалиги вазирлигининг  
биносиди, 714-хона).

ТЕЛЕФОНЛАР: 412601, 410374, (ичкиси 571).

«Нур» фирмаси Сизларни Янги йил билан қут-  
лайди, бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ва олижа-  
ноб меҳнатингизда муваффақиятлар тилайди.1993 йил 1 январдан эътиборан Ўзбекистон Рес-  
публикаси ҳудудда бухгалтерлик ҳисоби китоби-  
нинг янги ҳисоблар режаси жорий этилди.Бизда журнал — ордерларнинг йиллик комп-  
ютерга ва янги ҳисоблар режаси бўйича бошқа  
ҳисоб-китоб регистрларига буюртма беришингиз  
мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА УНИВЕРСИТЕТИ НУКУСДАГИ ФИЛИАЛИ

1993-1994 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

сиртки бўлимнинг I ва катта босқичларига

### ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқларининг иқтисоди ва уни бошқариш, агрокимё ва тупроқшунослик, агрономлик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоомухандислик, ўрмон, бөг ва хиёбонларни қўқаламзорлаштириш (ўрмон ҳўжалиги муҳандислари мутахассислиги), қишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш.

Сиртки бўлимга турли ёшдаги турли ўрта ёки олий маълумотга эга бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги корхона, ташкилот, муассаса ёки ҳўжаликларда ишлайдиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари қабул қилинади.

Бошқа мустақил давлатларда яшовчи шахслар ҳўжатлари пуллик шартнома асосида қабул қилинади.

Ректор номига ёзилган университетга қабул қилиш ҳақидаги аризалар қуйидаги ҳўжатлар билан 1992 йил 15-декабрдан 1993 йил 15 январигача қабул қилинади: ўрта ёки олий маълумоти ҳақидаги ҳўжат (асл нусхаси); 3x4 см ҳажмидаги 6 дона фотосурат, тиббий маълумотнома (086-У) андозадаги, меҳнат дафтаридаги ёки колхозчи дафтаридаги маълумот томонидан тасдиқланган кўчирма, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқаси ҳақидаги ҳўжат.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1993 ЙИЛНИНГ  
16 ЯНВАРИДАН 1 ФЕВРАЛИГАЧА БУЛИБ  
УТАДИ.

Университетда кириш имтиҳонлари ва барча мутахассисликлар бўйича ўқиб ўзбек, рус тилларида, филиалда эса қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Университетга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топирадилар:

— бухгалтерия ҳисоби, ҳўжалик фаолиятини назорат ва таҳлил қилиш, агросаноат мажмуи тармоқлари иқтисоди ва уни бошқариш, ўрмон, бөг ва хиёбонларни қўқаламзорлаштириш мутахассисликлари бўйича:

МАТЕМАТИКА (ОҒЗАКИ), БИОЛОГИЯ (ОҒЗАКИ), ЎЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ (ДИКТАНТ), МАТЕМАТИКА ВА БИОЛОГИЯДАН СОҲА ИМТИҲОНЛАРИ

— агрокимё ва тупроқшунослик, агрономлик, мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоомухандислик мутахассисликлари бўйича: ХИМИЯ (ОҒЗАКИ), БИОЛОГИЯ (ОҒЗАКИ), ЎЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ (ДИКТАНТ).

КИМЕ ВА БИОЛОГИЯДАН СОҲА ИМТИҲОНЛАРИ

УНИВЕРСИТЕТНИНГ НУКУС ШАҲРИДАГИ  
ФИЛИАЛИДА:

— ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУТАХАССИСЛИГИ БУЙИЧА:

ФИЗИКА (ОҒЗАКИ), МАТЕМАТИКА (ОҒЗАКИ) ҚОРАҚАЛПОҚ, ЎЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ (ДИКТАНТ).

ФИЗИКА ВА МАТЕМАТИКАДАН СОҲА  
ИМТИҲОНЛАРИ

Ўқшга кирувчилар соҳа имтиҳонларида олган баълар йнғиндиси бўйича ўтказилдиган умумий танлов асосида қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳо олган қуйидаги абитуриентлар университетга танловсиз қабул қилинадилар: ҳарбий хизматни ўтаб, эҳди-рага бўшатиш ва ҳўкумат томонидан берилган гувоҳномадан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган ҳарбий хизматчилар, етим болаларга ва ота-она қаровисиз қолган болалар, меҳнат қобилиятининг даражасини аниқлайдиган тиббий комиссиянинг аграр университетда ўқиб соғлиғига тўғри келиши тўғрисидаги хулосаси бўлган I ва II гуруҳ ногиронлар.

Иккинчи марта олий маълумот олмоқчи бўлганлар шартнома (пуллик) асосида қабул қилинадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент, 700183 ТошДАУ (19, 49, 83, 96, 156, 167, 491 автобуслар ва 15, 28, 152, 153 маршрут таксиларнинг «Тошкент Давлат аграр университети» бекати).

Нукус бўлимнинг манзилгоҳи: Нукус, 742012, Қурбонов номи кўча, ТошДАУнинг Нукус бўлими биноси (13, 19, 24 автобуслар, 4 маршрут таксининг «Қишлоқ ҳўжалик факультети» бекати).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ҲЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ «ИНТЕРАЛОҚА» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ

1993 йил 7, 8, 9 январь кунлари соат 14.00 дан  
бошлаб Тошкент шаҳар, Амир Темури кўчаси, 107-  
уйда жойлашган«ИЗЭҚСПОЦЕНТР» (ёски ХХЮК) марказий кўр-  
газма залида Жанубий Кореянинг «ДЭУ» компа-  
ниясида ишлаб чиқарилган енгил ва мўъжаз юк  
автомобилларининг эркин муомаладаги валюта  
(СКВ)га сотиладиган ким ошди савдоси ўтказили-  
шини маълум қилади. Савдо натижаларини сир  
сақлаш кафолатланади.Ташкилий қўмита манзилгоҳи: Тошкент шаҳар,  
Собир Раҳимов райони, Сабзор даҳаси, 1-уй.Маълумот учун телефонлар: 40-50-02, 40-19-26,  
34-54-74.Ташкилий қўмитанин иш вақти ҳар куни 9.00  
дан 17.00 гача.«ТИКО» ТУРТ МОДИФИКАЦИЯЛИ ЕНГИЛ  
АВТОМОБИЛИ— энг юқори тезлиги соатига 143 километр  
— беш ўринли

— ёнилғи сарфи 100 километрга 4,2 литр

«ДАМАС» УЧ МОДИФИКАЦИЯЛИ МИКРО-  
АВТОБУС

— энг юқори тезлиги соатига 115 километр

— етти ўринли

«ЛАБО» ИККИ МОДИФИКАЦИЯЛИ МЎЪЖАЗ  
ЮК АВТОМОБИЛИ

— энг юқори тезлиги соатига 100 километр

— икки ўринли

— юк кўтариш қобилияти 550 килограмм.


БАРЧА ТУРДАГИ АВТОМАШИНАЛАРГА  
«ХИСЛАТ» КОРХОНАСИ БИР ЙИЛ ДАВОМИ-  
ДА ТЕХНИК ХИЗМАТ КўРСАТИШНИ ГАЪ-  
МИНЛАЙДИ.



## • БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДАВР

МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ҲОЗИРГИ КУНДА  
ЯПОНИЯ, ШВЕЦИЯ, ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ  
РЕСПУБЛИКАСИ, ҚОЛАВЕРСА, БИР ҚАНЧА  
ХОРИЖИЙ ҲАМДА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ-  
ГА, УНДАН ТАШҚАРИ ҲАМДУСТЛИК МАМ-  
ЛАКАТЛАРИГА ЮБОРИЛАДИ. ПАСТКИ НАВ  
ҲИСОБЛАНГАН (ПУХ, УЛЮК) ДЕБ НОМ-

дентимиз Фармонларига асосан корхона аҳлини уй-жой ҳамда ер билан таъминлаш ишлари асосий кун тартибига киритилган. Корхонада яқин кунлар ичида беш кунлик меҳнат режимига ўтиш кўзда тутилмоқда. Пахтанинг сифатини ҳамда намлик миқдорини текшириб, жумҳуриятимиз аҳолиси учун зарур бўлган хом-ашёни етказиб бериш мақсадида бир қанча лабораториялар, илмий маслаҳатхоналар ташкил этилган. Бу даргоҳларда бир қанча малакали маҳаллий кадрлар иш олиб боришади. Ҳозирги кунда маҳсулот ўрнига (бартер



...Бомдод намози олдида таҳорат олишга киришган донишмандлардан бири фар-ғара қилаётди, — нигоҳи тонг юлдузига қадалганда кўздан беҳтиёр шашқатор ёшлар оқар, тангри таоло ҳада этган дуў-жизаларга бой кўннинг шукронаси учун инсонийлик мартабасига муносиб яшамоқликни кўннинг тугар экан. Кўннинг, замонанинг қадрига етган бу донишманд йиллар қадрини нечоғлик ҳис этганини хаёлан фароз қилиб кўрайлик-чи!

Иқтисодиётни, истиқлол нашидасини ҳар қандай ҳодисасига мурожаат қилиб, уни тушунтиришга интиларканимиз, шубҳасиз саволлар силсиласига тушиб кетамиз. Утган йили қандай яшадик? Ҳозир қандай турмуш кечираяпмиз? — деган саволга га жавоб беришга бир зум ўйлаиб қолсан, киши. Яшаш яхши, лекин яхши яшаш ундан ҳам яхши. Айни топиб айтилган гап.

Қоракўлга ҳар доим ана шу хаёллар билан бораман. Хаёллар ҳам худди фасилар сингари ўзгарувчан. Йўл четиди жойлашган каттагина бинога разм соламан. Кўринишидан салобатли бўлган бу корхонада қайси тоифа кишилари меҳнат қилишади, бу қанақа бино эканлиги тўғриси ўзимга ҳам қоронғу эди.

Эшигига «Директор» деб ёзилган хона олдида бир нечта одамлар ўтиришар ва ўз тақдирларини ўйлаб юраклари маълум бир ҳаяжонга келарди. Мана ҳозир эшик очилди-да, котиба қиз чиқиб: «Сиз киринг», дейди. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлди. Ичкарига кирдим. Каттагина кўркем хонада ёши 30—35 лар чамасидаги бир йигит ором курсисига ястанганича ўтирарди.

— Бобоқул Давлатов деб таништирди у ўзини. Салобатли деб ўйлаган бу бином Қоракўл пахта тозалаш заводи, бу йигит эса унинг директори экан. Менинг бўлса харидоргир бўлсин. Ҳозирги иқтисодий тақчиллик шароитидаги бор умидимиз ҳам шундан иборат. Тўғри-да, сифатли ва аини пайтда истеъмол бозорлари учун турли хил зарур маҳсулот ишлаб чиқаришга нима етсин? Ушанда ўзинг қилган ишингдан кўннинг тоғдек кўтарилади. Шу билан бир қаторда моддий аҳвол ҳам ёмон бўлмайди.

**ҚОРАКЎЛ ПАХТА ТОЗАЛАШ КОРХОНАСИ  
ЖАМОАСИ БУ ҲОЛАТНИ ҚўЛЛАЕТГАНИГА  
ТАЛАЙГИНА ВАҚТ БЎЛГАН. ШУНГА БЎЛСА  
КЕРАК БУ ДАРГОҲДА ТАЙЕРЛАНАЕТГАН  
МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН, ИС-  
ТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ ҚАДАМ РАНЖИДА ҚИ-  
ЛИШЛАРИ ЭСА ТУГАМАЙДИ.**


— Корхонамиз 1898 йилда ташкил топган бўлиб, яқин йиллар ичида унинг бир асрлик тўйини нишонлаш арафасида турибмиз, — дейди директор. — Асосан корхонамизда 1200 киши хизмат қилади. Заводимизнинг ўзи кичик-кичик уч корхонага бўлинади. Бу корхоналар ўз навбатида бир нечта цехларга бўлинади. Ҳар бир цехда маълум бир жараён бажарилади. Масалан, терилган ҳосил аввалдан бор хирмонга олиб келингандан сўнг биринчи босқичда қуритиш цехида маҳсулот маълум бир иссиқлик миқдори билан таъминлангандан сўнг ХК—1 автоматлаштирилган мосламага туширилиб, керак-сиз нарсалардан тозаланади. Сўнгра эса 4X—3M меҳнат агрегатига тушиб, яна бир мартаба керак-сиз чиқитлардан тозаланади. Уч босқичда тозалангандан кейин тола ажратиш цехига юборилиб, тола тайёр тола ажратиб олинади. ДП—130 агрегатидан ўтган тола чигитдан ажратилиб, шу тичида 3 ОВП маркали тола тозалагичда яна мартаба тозаланади. Кейинги босқичда тола маҳсулот зичланиб, тайёр маҳсулот ҳолатига келилади ҳамда истеъмол бозорига чиқарилади.

**ЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРИМИЗ ҲАМ (ЭКС-  
ПЕРТ) СИФАТИДА ЮҚОРИДА ТАЪКИДЛАБ  
УТИЛГАН МАМЛАКАТЛАРГА ОЛИБ КЕТИЛ-  
МОҚДА.**

Жамоамиз 1991 йилги ҳосил мавсумида республикада биринчи бўлиб пешқадамликни қўлга киритди. 1992 йилда ҳам худди шу мажбуриятни бажариб, иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Корхонамиз Бухоро вилоятининг Олот, Жондор ва Қоракўл ноҳиялари аҳолисига хизмат кўрсатади. Корхона ишчилари маданий ва маънавий шароит билан тўла таъминланган бўлиб, ҳар бир кун тартибидида ишловчилар учун иссиқ-овқат, бепул қийим-бош, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, қолаверса турмуш эҳтиёжи учун зарур бўлган барча буюмларнинг ҳаммаси кераклигича бор. Аҳоли корхона қошида очилган бир қанча санаторий ва профилакторийларда даволанадилар. Ундан ташқари Прези-

асида) бугдой келтирилмоқда. Бу ҳам ҳозирги иқтисодий тақчиллик замонида аҳолини ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлашга ўзининг керакли ҳиссасини қўшади. Ундан ташқари завод қарамоғида тикув корхонаси, хизматчиларнинг болалари учун болалар боғчалари, маънавий дам олиш уйлари мавжуд. Корхона 1992 йилнинг ўрталарига келиб табиий газ билан тўла-тўқис таъминланади. Бу ўз навбатида жамоа аҳли меҳнатини енгиллаштиради. Маҳсулотлар турини бир қанча гуруҳларга бўлиб ўтадиган бўлсак, булар қуйидагиларни ташкил этади. Сифатли тола, чигитдан ажратиб олинган момиқ шулар жумласидандир.


Ҳозирги кунда зичланган пастки навдаги маҳсулотлар тури ҳам аҳоли эҳтиёжини кенг қўламда қондирмоқда. Қолган қисмлари эса қишлоқ хўжалиги эҳтиёжи учун юборилмоқда. Пахтадан ажратиб олинган чигит маҳсулотлари Қогон шаҳар ёғ-мой ва экстракция заводида юборилади ва ундан турмуш эҳтиёжимиз учун зарур бўлган пахта мойи олиниб, бир қанча савдо расталарига чиқарилмоқда. Корхонада одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида ўртача ойлик маош миқдори 7—10 минг сўмгача оширилди. Ундан ташқари ёрдам моёнаси, озиқ-овқат учун кундалик пул, узоқ манзилдан келадиганлар учун йўл харажати тўланадиган бўлинди. Пахтани қайта ишлаш саноатига қарашли Бухоро вилоятидаги пахта тозалаш саноати бирлашмасига тегишли ҳисобланган бу корхона жамоаси район табобат маркази ҳамда касалхоналарни ўз қарамоғига олган. Шулар билан бир қаторда ёрдамчи хўжаликлар мавжуд. Бу хўжаликларда туёқли ҳамда қорамоллар боқилади.



**БУЛАРНИНГ ҲАММАСИ ИШЧИЛАРНИНГ  
МАНФААТИ ВА ИССИҚ-ОВҚАТ БИЛАН ТАЪ-  
МИНЛАНИШИ УЧУН БОҚИЛАДИ. КОРХОНА  
ҚОШИДА АЛОҲИДА КУНДУЗГИ ШИФОХОНА  
МАВЖУД. ИШ АСОСАН УЧ МЕҲНАТ КУНИДА  
ОЛИБ БОРИЛАДИ. КОРХОНА ДЕКАБРЬ ОИ-  
ГА КЕЛИБ, ЎЗИГА ОЛГАН МАЖБУРИЯТНИ  
ОРТИГИ БИЛАН АДО ЭТИБ, ПАСТ НАВДАГИ  
ПАХТА МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАБ  
БЎЛДИ.**

Корхона Тошкент шаҳридаги «Ўзбекхлопкомаш» заводидан эҳтиёт ва агрегат қисмлар билан таъминланиб турилади. Корхона қошида дўхон мавжуд бўлиб, бу дўхондан хизматчилар уйлари учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархда харид қилиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар сменада 35 кишидан иборат бригада ташкил қилинган бўлиб, белгиланган иш кунидида 105 киши хизмат қилади. Шу билан бир қаторда илғор ишчилар бригадасидан бир қанчаларини санаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб таъкидлаш мумкин. Тола ажратувчилар Сайёра Муқимова, Жўрақул Ҳақимов, Гулом Қурбонов, Ибод Ҳамроев шулар жумласидандир.

**КОРХОНАМИЗ РАЙОНДА ТАНҲО ҲИСОБЛА-  
НАДИ. У ТУЛА-ТЎҚИС ТЕХНИКА ХАВФСИЗ-  
ЛИГИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН, ДЕБ СЎЗИ-  
НИ ТУГАТАРҚАН ДИРЕКТОР МЕН БИЛАН  
ХАЙРЛАША ТУРИБ, — БУГУНГИ КУНДА ХОҲ-**



**ЛАЙМИЗМИ, ЙУҚМИ, БОЗОР ИҚТИСОДИЕТИ-  
ГА УТИШИМИЗ АНИҚ БЎЛИБ ҚОЛДИ, —  
ДЕБ ҚУШИБ ҚЎЙДИ. — БУ ДАВРНИНГ ҲАМ-  
МА ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИНИ САБОТ БИЛАН  
ЕНГИШ КЕРАКЛИГИНИ ҲАЕТНИНГ ЎЗИ КЎР-  
САТИБ ТУРИБДИ. УШБУ ҲАҚИҚАТНИ ЖУМ-  
ҲУРИЯТИМИЗДАГИ КЎПЛАБ ХЎЖАЛИКЛАР  
ЎЗ ВАҚТИДА АНГЛАБ ЕТИБ, ЯНГИЧАСИГА  
ИШЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.**

Соҳибжон САЛИМОВ,  
ўз мухбиримиз.



1993 йилда нафақангиз қанча?

ДОЛЗАРЪ МАВЗУДА

Бозор мусоабатларига ўтин даврида давлатимиз нафақадорларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашга ҳаракат қилаётгани эришмас. Бугунги кунда нафақа қандай тўланади? Эртага қандай бўлади? Бу ва шу каби саволлар билан редакцияга келатган мактубларнинг кети узилмайди. Шу боис муштарийларимизнинг илтижо қилган қатор саволлари билан Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлигининг биринчи муовини Қ. К. Исмоиловага мурожаат қилдик.

Қариллик нафақаси олаётган ўқитувчи фахриялар учун ҳам квартира бепул ўтказиб берилиши мумкинми? — Ҳа, мумкин. 1991 йил 1 январдан эътиборан Президентимиз фармонида мувофиқ ўқитувчилар учун бир қатор имтиёزلар яратилган. Шулар жумласига қариллик нафақасига чиққан қариллар, 10 йилдан кам бўлмаган ўқитувчилик иш стажига эга бўлганлар кирди. Бундай фахрийлар ўқитувчилик (квартираларни) бепул ўтказиб, туғар жой ҳақини имтиёзли тўлаш, коммунал хизматлар, яъни шаҳарда истиқомат қилувчи фахрия учун хонадон ҳақи, газ, сув тармоғи, электр қувватига тўланадиган ҳақ 60 фоизга камайтирилган. Бундай имтиёزلар хонадонларини ёлловчи ёки ўша хонадон эгаси бўлиши — бўлмаслиқларидан қатъий назар ҳар бир ўқитувчи фахрия учун тегишлидир. — Улуғ Ватан Уруши ноғирони вафотидан сўнг у ҳаётида олаётган нафақаси унинг хотинига тўлаиши мумкинми? Унга бериладиган ақалдан хотини хотини бўлмаган ҳолда ҳам тўлаиши мумкинми? — Ҳа, шундай. Бундай қонундан кўчи қабул қилинган деб бўлмайди. Чунки, у 1990 йил 25 августдаги ва 8 октябрдаги Фармонлари бўйича нафақадорларнинг минимал миқдори барча гуруҳдаги ноғиронлар учун ҳам бир хилда тайинланадиган.



Тошкентда қиш манзараси.

БУ—ҚИЗИҚ

АЁЛЛАРНИ АСРАНГ!

Турли хил раҳбарлик ва возмиларида ишловчи аёлларнинг тақдирини қандай Бунимиландаги «Бакони» дорилфунуни профессори Северино Салвемини текшириб, ўрганиб чиқди.

НАТИЖАСИ БИР

Статистиканинг таъкидлашча, эркаклар аёлларга нисбатан ўн йил кам умр кўришар экан. Чет эллик тиббиёт ходимлари бунинг асосий сабабларини билмасликларидан, деб баҳоламоқдалар.

„САИДА“

УРТА ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЯГОНА

ВРАЧ-КОСМЕТОЛОГЛАР

МАРКАЗИ СИЗНИНГ САЛОМАТЛИГИНГИЗ

ВА ГУЗАЛЛИГИНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИШГА

КАФОЛАТ БЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ

САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ МАРКАЗИ —

Бу ташқи қиёфани жарроҳлик йўли билан пластик операция қилишнинг барча турларини,

Профилактика ва касалликни даволашда, юз териси ва бадандаги косметик камчиликларни, себорей, соч тўкилиши, тошмалар, терининг ранг берувчи пигментларининг бузилиши, юз ва бўйиндаги нуқсонлар, чандиқ, теридаги турли ёзувларни кўчириб олиб ташлаш каби хасталикларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

Марказда косметолог, умумий массаж ва мануаль терапия, игнарефлексотерапия, физиотерапия, муолажа хоналари фойдаланилади.

Хонани ва тиббиёт косметикаси мутахассисини буйича курслар очилган.

Хизмат ҳақи МДХ давлатларидаги нисбатан анча кам.

Айни шу кунларда ёки сизга қулай бўлган вақтда бизга мурожаат қилишингиз мумкин.

БИЗНИНГ МАНЗИЛ: Халқлар дўстлиги майдони, Бешёғоч кўчаси, 1.


Маълумот учун телефонлар: 45-07-42, 45-07-72.

ТУРФА ОЛАМ

Кенжада янги ўқув йилдан бошлаб, мактаб ўқув дастурини оқил рағбатлантириш дарси киритилди. Ҳозир бу ерда янги баъд-муқозар кетмоқда. Ота-оналардан келатган кўп миқдордаги маълумотларнинг ақсариятида «бу дарс балогатга етмаган ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир қилади ва жинсий абортлар кўпайишига сабаб бўлади», мазмундаги гаплар бор.

Тель-Авивдаги кўча супрувчиларнинг 80 фоизи соёқ СССРдан кўчиб борадилар. Қизини шундай, уларнинг яқин оқил маълумотли кишилар. Бу ҳақда соёқ Совет Иттифоқидан «муртаблардан бири бўлган 1987 йили Исроилга кўчиб кетган Владимир Сплек «Лос-Анжелес Таймс» рўзномаси муҳбирига маълум қилди. Унинг гувоҳлик беришча, сўнги ойларида бу мамлакатга кўчиб келган муҳожирилари 40 фоизи иш топпай сарсон бўлиб юрибди.

Машҳур француз ҳофизаси Патриция Каас 1993 йилда бозорда байрам қилмоқчи. У 31 декабр кунини ропа-ропа сўнги 12 да махсус тўғларни босди... ва Форбагдаги Германия — Франция чегара постини портлатиб юборди.



1. Изоҳга ҳожат йўқ. 2. Оббо, пианино чалиш ҳам ўлим билан тенг бўлиб кетибди-ку! 3. Доллар меннинг жоним! 4. Каллада бир хил ҳаёл. 5. Кечирасиз, Сиз қайси бирга кирасиз? И. АЗИМОВ чизган суратлар.

ҲАР ТҮҒРИДА

Энг қами билан яна бир миллионда йил сайёрамизда ҳаёт давом этиши мумкин экан. Америка Қўшма Штатлари Пенсильвания штатидаги маҳаллий дорилфунунинг бир гуруҳ олимлари янги йил арафасида барча ерликлар учун яшаш хабар саналган ана шу тахминини илгари сурдилар.

Америкалик мутахассислар — геологик олим Кен Каллар ва атмосфера ҳодисалари ҳақида бўйича мутахассис Жеймс Кастигларнинг қаромат қилишча, ер сайёрасида ҳаёт анча олдин тугайди. Улар ўз тахминларини атоф муҳитдаги ўзгаришларни мураккаб ҳисоб-китоб модули асосида тахлил қилиш ҳисобида илгари сурдилар.

Инглиз олим Жеймс Лавлок 10 йил бурун ўтказган аваллоқ ҳисоб-китобларига қараганда, иқлим исбб кетиши оқибатда химиявий реакцияларнинг тезлашиб кетиши ва ердаги икки углеводди куйинда захираси 100 миллион йил давомида таяом бўлиши керак экан. Америкалик олимлар эса инглиз олимни бир қанча бошқа далилларини ҳисоба олганда деб ҳисоблайди. Бинобарин, сўнги текширишларга қараганда, маккажўзори ва бошқа бир неча ўсимликлар олимлар аваллоқ тахмин этганидан кўра кўпроқ икки углеводди куйинда истеъмол қилар экан.

Жеймс Кастигнинг ердаги ҳаёт тахмин этилиши мундандан илгари, масалан, йиринк фойдаланиш — қоғозга асосланган таълимнинг давом этиши мумкин, деб ҳисоб қилган. «Заҳирадаги» бир миллион йил ва муваффақият қозониш учун бир қанча инсониятлар башариятнинг барча муаммоларини ҳал этишга замиқ «эратиди», деб ишонтиради.

Таниқли денгиз туби тадқиқотчиси Жак-Ив Кусто бешинчи йилларини, машҳур французлар рўйхатини бошқариб турибди.

Жаҳончилик фирмининг ўрганиши Франция институтининг яшашга кунини қандайдиган «Журнал» до диманш рўзномаси билан ҳамкорликда ўтказган оммавий сўраб-билиш натижаларига қўра, рўйхатдаги кейинги ўрилларини инсониятпарварлик голлари учун «Абба» кўрашчи Абба Шав, канцеролог-олим Леон Шав, «Энбер» ва «Вулканолон» Арун Тазиеффлар эгалладилар. Бешинчи ўрин эса оммабоп «афтаннинг етти кунини» кўрсатувининг бошловчиси Ани Сэнкларга насиб қилди.

Рўзномани «Эвизи», Жак-Ив Кусто, гарнид, ўз ўрнини мўқим сақлаб қолган бўлса-да, йилининг ҳақиқий голиби дед Франция соғлиқни сақлаш ва инсонпарварлик фаолияти вазири Бернар Кушнерни атамоқ керак. Чунки, Босния ва Герцеговина ҳамда Солмалида бир неча инсонпарварлик тадбирларини амалга оширишга бошчилик қилган бу элнинг исм-шарифи рўзномалар ва телекўрсатувларини эгаллаб олди ва ўтган йилги 32-ўриндан бу йил 6-ўринга кўтарилди.

Сўровда шу нарса маълум бўлдики, французлар мамлакатининг ҳозирги раёб ва тинини унганлик аяб ўтқ, экан: «Биз янги машҳур одамлар рўйхатига 15-ўринини олган Президент Фарисун Миттеран бу йил атиги 20-ўринини эгаллашга эришди, ҳолос.

Бегона кишига ёзилган хатини ўқийди ҳодийасизми! Муҳаббат қўйилган-ку, деисизми! Бунинг йўли осон. Дед Миллернинг Йоханнесбургдаги дўкончасидан бор-йўли Жанубий Африка республикасининг 9 ранди [32 АШ доллар]га сўюклик сотиб олмас. Бу сўюклик конвертини оқмасдан ўқиб хатини ўқийди микон бўлди, деб эвади РАТА—ТА муҳбир.

Соёқ изида, яъни дўкон соёқини ЖАР махсус тахминати-нинг яқинҳодимлигига чек қўйди ва ҳар қандай киши сотиб олиши мумкин бўлган тахмин воситаларини савдога чиқарди. Унинг «жусус дўкон» яширини эшитиш асосларининг бир неча турини харидорларга тақлим этмоқда.

Ҳозир бу иш билан шуғулланаётган корхонанинг омади шу даражада юришга кетдики, февраль ойида яна бир қудам шундай дўкон очилиш мўжжапланмоқда.



1. Изоҳга ҳожат йўқ. 2. Оббо, пианино чалиш ҳам ўлим билан тенг бўлиб кетибди-ку! 3. Доллар меннинг жоним! 4. Каллада бир хил ҳаёл. 5. Кечирасиз, Сиз қайси бирга кирасиз? И. АЗИМОВ чизган суратлар.

МУАССИСЛАР: «Ўзбекистон овози» ва «Осиё бозори» газеталари ижодий жамоалари. ХОМИИЛАР: Шароф Рашидов фонди, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ва автомобил-созлик концерни, Ўзбекистон Республикаси миллий банки, «Ўзбекистон олтин» ишлаб чиқариш бир-лашмаси, «Туркистон» биржаси. Нашр учун масъул Тўхтамурад ТОШЕВ. «Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176. Эълол ва билдирувлар нақд пул-да ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади. БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент 700083, ГСП, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-76-04, 32-53-15, 33-38-55, 32-54-14, 32-57-19. Индекс 75487 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

МУШТАРИЙЛАРГА МАКТУБ

«Қўш қаноти билан», дейди доно халқимиз. Хар қандай маъбӯт ютуқи ҳам ўз муштарий...

Янги обуна йилда ҳам «Ўзбекистон овози» ўз анъаналарида содиқ қолади. Унинг саҳифаларида тағин ўткир фельетонлар, суд очерклар...

Тўлиқ ёки хабари энг кўп эълон қилинган муаллифлар мукофот. Мукофот олишга мўлжал бўлган муаллифларнинг сурати ва қисқа таржимаи ҳоли газетамизда эълон қилинади.

ЯНГИ ЙИЛ ҲАЗИЛЛАРИ

Ғиёс БОИТОВЕВ: Емон отда улоқ чопиб бўлмайд, Ойни этлак билан ёпиб бўлмайд...

Охун МАДАЛИЕВ: Айланаман, қорлар кечиб айланаман, Арчаларнинг қолларидан ўйланаман.

Муҳриддин ХОЛИҚОВ: Қиз бола келар сойи бўлиб, Сойдаги тўлини ой бўлиб.

Нуриддин ҲАЙДАРОВ: Фарғоналик эй, дилдор, Қўларингда қасдидан бор.

Илҳом ИБРОҲИМОВ: Бошлиқ тўйига бормадик, Саҳна бизга чап бўлди.

Муҳаммадқарим СОИПОВ: Етолмадик Тошкентга, Довон тўла қор бўлди.

Мақсад ЯХШИЕВ: 12.10 Кундузги санас, «Севги хисси», Бадий фильм.



Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим.

БИРИНЧИ МАҚОЛА ТАДБИРЛАР ВА КЕНГАШЛАР

Ўзга мамлакатларни забт этиш, уларни идора қилиш, ғаним лашкарларини синдириш, душманини тузоққа тушириш...

Пирим Зайниддин Абуабкар Тойбодий менга ёзишларким, «Абулмансур» Темур, салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилгин...



ТОШКЕНТ. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ. Е. БОТИРОВ олган сурат.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

9.05 Параллеллар. «Тонги концерт». 9.20 «Ҳашмалар». 9.50 Маза, тазтиллер. «Ўз ҳолида ўйнаб юрган мушук»...

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Мамонтанинг онаси». «Вов лақабли мушукча»...

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.

19.30 Ҳама мукофотига номзодлар. Тўлан Низом. «Учар юлдуз». Адабий кўрсатув.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Хоразм телевидениеси кўрсатади.

21.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.05 «Хур қизлар». Бадий фильм. 1-серия.

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби. «ЎЗТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Болалар учун. «Соғва». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар.

13.30 «Қўшимча гилдирак». Қисқа метражлик телевизион бадий фильм.

13.50 «Мушук Леопольднинг сайли». Мультфильм. 14.00 «Парвоздаги стюардесса».

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 15.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».

15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси». 16.10 «Ён дафтар». 16.15 «Билмасвола Кўёшли шаҳарда».

16.15 «Миниматор». Мусиқий кўрсатув. 19.05 «Эдемага қайтиш». Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси (Австралия).

19.55 «Мавзур». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.55 Эълонлар.

21.00 Янгиликлар. 21.20 «Икки гусар». Телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.

23.30 «Харбий ревью». 24.00 Янгиликлар. 00.40 Париж—Дакар автораллиси. 01.10 «Вид-презент».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 8.00 Хабарлар. 8.20 Эълонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 18.00 «Сезам» кўчаси. 18.15 Мусиқали дастур.

22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.30 «Оқ бўрилар». Бадий фильм.

24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби. «ЎЗТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун фильм. «Сехрири тўн». 19.30 «Кизилорли учрашувлар».

20.30 «Афсона йўлида». Мушовир Соҳиб Раҳмонов. 21.00 «02» тўпқинида.

21.20 «Бу шунақа ўйин». Бадий фильм. «ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 18.20, 21.20, 23.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар.

6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар.

9.20 «Шойим мўйқалам». Мультфильм. 9.45 В. Девятков кўялайди.

10.05 Қадимий саҳий эртанлар. «Қор маликисининг сири». 1-серия.

11.25 «Хайронот оламини». 12.00 Янгиликлар. 12.05 «Хайронот оламини».

7 ЯНВАРЬ «ЎЗТВ I» 7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Ҳамид Сулаймон». Телевизион киножурнал.

7.55 «Суючи». Бадий фильм. 9.10 Тошкент Давлат жаҳон тиллари университетига Янги йил байрами.

9.50 Яққасарой тумани 5-болалар муқима мактаби ўқувчиларининг чиқиши. 18.00 Янгиликлар.

18.10 «Булутли ўлкаларда сайр». «Фил учун соғва». Мультфильмлар. 18.30 «Ўзбек футболу — 80 йшда».

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Президент фармонлари амалда.

19.40 Маммурижон Тўтасинов ва Абдулла Акбаровлар концерти. Халқлар Дўстлиги саройида эълон қилинган.

20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Хўкумат тадбирлари.

21.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ). 22.00 «Кўйроқ». Бадий фильм.

00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби. «ЎЗТВ II «ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табасум». 19.10 «Ахойботлар ёнимаида».

